



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 17 январь, № 13 (7515)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ СЕРГЕЙ ЛАВРОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 январь куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Сергей Лавровни қабул қилди.



Учрашув аввалида Президентимиз стратегик шериклик ва иттифоқчиликка асосланган икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш суръати тобора ортиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Олий даражадаги мулоқот мунтазамлик касб этгани, ўзаро ал-машинулар мисли қўрилмаган даражада фаоллашгани, кўп қиррали ҳамкорлик, аввало, савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар, таълим соҳалари ва бошқа устувор йўналишларда кенгайиб бораётгани шундан далолат беради.

Сергей Лавров самимий қабул учун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг самимий саломи ва эзгу тилақларини етказди. Мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги бугунги дара-

жага эришишида икки давлат раҳбарларининг ҳал қилувчи роли алоҳида қайд этилди.

Учрашувда Ўзбекистон — Россия муносабатларининг долзарб жиҳатлари қўриб чиқилди, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Жорий йилда ўтказилиши режалаштирилган олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот хизмати
суратлари.

«Халқ сўзи» учун эксклюзив

Режаларимиз кўлами ҳар бир кундан ўнумли фойдаланишни тақозо этади

Поёнига етган йилда юртимизнинг барча ҳудудиди улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, иқтисодиётимиз таъриққети, халқимиз фаровонлигини таъминловчи қўлаб-қўллаб бўлиб лойиҳалар рўйбга чиқарилди. Хусусан, Наманган вилоятида ҳам шундай янгиланишлар туфайли ҳудуд қиёфаси тубдан ўзгариб, иқтисодий-ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар самараси аҳоли ҳаёт тарзида ўз ифодасини топмоқда. Энг муҳими, одамлар олиб борилаётган ислохотлардан мамнун, ўтаётган кундан-рози, тараққиётимиз йўлидаги эзгу ишларга қамарбаста.

Муҳбиримиз ўтган бир йил давомида Наманганда амалга оширилган ишлар, жорий йилга режалаштирилган чора-тадбирлар ҳусусида вилоят ҳокими Хайрулло БОЗОРОВ билан суҳбатлашди.

— Фикримиз аввало, давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 28 февраль — 1 март кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида “2019 йил Наманган йили бўлади”, дея бизга катта ишонч билдирганидан, тақдир этган лойиҳаларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганидан бошлашни истардим. Чунки ўша ташриф якунларига қўра, 1 424 та йирик ва ўрта лойиҳани ўз ичига олган уч йиллик дастур ишлаб чиқилди, — дея сўз бошлади вилоят ҳокими. — Унда белгиланган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида 2019 йилнинг ўзида мингта яқин лойиҳалар рўйбга чиқарилиб, 5,5 триллион сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилди. Мисол учун, Наманган шаҳридаги тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “АРТ соф текс” МЧЖ томонидан умумий қиймати 293,5 миллиард сўм бўлган йирик лойиҳа ишга туширилди. Бундан ташқари, 100 миллиард сўм маблағ ҳисобига “Uz Tex Group” қўшма корхонасининг Норин ва Чортоқ туманларида филиаллари барпо этилди. Айни пайтда уларда 1300 нафардан зиёд кишилар меҳнат қилаётир. Наманган туманида эса фармацевтика соҳасида фаолият олиб бораётган “Mergumed farm” МЧЖ томонидан 54 миллиард сўмлик лойиҳа ниҳоясига етказилди. Умуман, дастур доирасида 110 та ижтимоий ва инфратузилма объектлари реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ўтган йил Наманган дунё сармоядорлари учун кенг очилган вилоятлардан бирига айланиши кўнгилда фар туйғу-

ларини уйғотибди. Буни қўйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди. Яъни 2019 йилда 154 та ҳудудий лойиҳа доирасида 300 миллион АҚШ долларидан кўпроқ тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Вақолонки, 2018 йилда бу рақам 74 миллион АҚШ долларидан иборат эди. Бугунги кунга келиб ўсиш суръати салкам 3,5 баробарни ташкил этмоқда.

Вилоятда қўшма корхоналар ташкил этиш ишлари ҳам жадали олиб бориляпти. Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, 2017 йилда 20 та, 2018 йилда 40 та ҳамкорлик корхонаси ишга туширилган эди. Якунланган йилда эса 88 та қўшма корхона давлат рўйхатидан ўтказилди.

Айтиш керакки, хорижий компаниялар ва ишбилармонлик тузилмаларини жалб этишда вилоятимизда ўтказилаётган иқтисодий форум ва бошқа анжуманларнинг ўрни бекиёс бўлди. Жумладан, 2019 йилнинг июнь ойида ўтказилган Халқаро иқтисодий форумда 350 дан ортиқ хорижий инвесторлар Наманган салоҳияти билан яқиндан танишди. Форум якунида 340 миллион АҚШ долларидан кўпроқ кийматдаги 48 дан зиёд шартномалар имзоланди. Шунингдек, ўтган йилнинг сентябрь ойида фармацевтика ва тиббиёт бўйича халқаро форумга мезбонлик қилдик. Унинг якунида доридармон ва бошқа турдаги тиббий воситалар етказиб бериш бўйича 90 миллион АҚШ долларига тенг 10 та муҳим келишувга эришилди.

Ў.А.

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Сергей Лавров 15-16 январь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида 16 январь куни Ўзбекистон ва Россия ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари Абдулазиз Комилов ва Сергей Лавровнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг дўстона муносабати муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Мулоқотда бўлажак олий даражадаги тадбирларга тайёргарликнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди, халқаро ва минтақавий долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув сўнгига Ўзбекистон ва Россия Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2020-2021 йилларга

мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Юксак мартабали меҳмон шу кунги Москва давлат халқаро муносабатлар институти Тошкент филиали жамоаси билан ҳам учрашди.

Мазкур олий ўқув юртида таҳсил олган С. Лавров сермазмун ва шарафли йўлни босиб ўтган таълим даргоҳининг собит аъна-

налари Ўзбекистонда давом этаётганидан фойда мамнунлигини изҳор қилди.

Бугунги кунда юртимизда Россия Федерациясининг 8 та олий ўқув юрти филиали очилган. Йил сайин ривожланиб бораётган ўзаро муносабатлар негизидан таълим соҳасидаги ҳамкорликни юқори чўққиларга

олиб чиқиш имконияти мавжуд.

Сергей Лавров мазкур филиалда ўқитган талабалар олган билим ва кўникмаларидан фойдаланиб, келгусида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, жумладан, Россия билан дипломатик муносабатларини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

Бўлғуси дипломат-талабалар, профессор-ўқитувчилар, ОАВ ходимлари билан қизгин мулоқот қилди, уларнинг жавоб қайтарди.

Ғ. ХОННАЗАРОВ,
Ў.А. муҳбири.

БИЗ ва ЖАҲОН

БУЮК БРИТАНИЯ ПАРЛАМЕНТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Буюк Британия парламентининг Лордлар палатасида “Буюк Британия ва Евроосиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик истиқболлари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонаси вакиллари иштирок этди.

Анжуман парламент томонидан “Conservative Friends of Eurasia” (“Евроосиёнинг Консерватив партиядаги дўстлари”) ташкилоти кўмагида ташкил этилди. Унда парламентнинг иккала палатаси депутатлари, Буюк Британия иқтисодий идоралари раҳбарлари, дипломатик корпус, ишбилармон доиралар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Дипломатик ваколатхонамиз ходимлари анжуман иштирокчиларига Ўзбекистоннинг сармоявий ва савдо-иқтисодий салоҳияти, иқтисодиётини либераллаштириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар ҳақида маълумот берди.

Тадбирга раислик қилган лорд Питер Лилли давран суҳбатининг аҳамияти Буюк Британиянинг Европа Иттифоқидан чиқиши ҳамда расмий Лондон хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятлар қидираётгани билан боғлиқлигини таъкидлади. Шу нуктаи назардан, Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон савдо, инвестиция, молия, таълим, ахборот-коммуникация ва яшил тех-

нологиялар, қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа соҳаларда истиқболли шерик сифатида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Лорд П. Лилли Ўзбекистон — Британия савдо-саноат кенгаши раисининг собиқ ўринбосари сифатида Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар халқаро доираларда юқори баҳоланаётганини қайд этди. Бу ўзгаришлар халқаро бизнес доираларига мамлакатда бизнес юритиш учун қулай имкониятлар яратилаётганидан дарак бермоқда.

Британиялик парламентарийлар Ўзбекистоннинг ташқи дунёга очилаётганини қўллаб-қувватламоқда. Уларнинг фикрига қўра, Буюк Британия фуқаролари учун визасиз тартиб жорий қилинган ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашга кучли туртки берибди.

Давра суҳбати доирасида ташкил этилган кўргазма-малумотлар бўлимида мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари ҳақида ранг-баранг маълумотлар ҳамда ўзбек миллий таомлари тақдим этилди.

«Дунё» АА.
Лондон

МАРКАЗИЙ-ЕВРООСИЁ ТАДҚИҚОТЛАРИ ЖАМИЯТИНИНГ МИНТАҚАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ июнь ойида Тошкентда ўтказилади

Евроосиё минтақасини тадқиқ қилишга ихтисослашган олимларнинг халқаро уюшмаси — Марказий-Евроосиё тадқиқотлари жамияти (CESS — Central Eurasian Studies Society) Ўзбекистонда еттинчи минтақавий конференциясини ўтказди.

2000 йил ташкил этилган Марказий-Евроосиё тадқиқотлари жамияти Эллиотт халқаро муносабатлар мактабининг таркибига қиради. Мазкур муассаса, ўз навбатида, халқаро муносабатлар соҳасидаги профессионал мактаблар ассоциациясининг (APSIA) аъзоси бўлиб, дунёдаги энг илгор тадқиқот марказлари рейтингини 34-ўринда туради.

Ушбу халқаро конференцияни ўтказиш бўйича келишувга Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси Жавлон Ваҳобовнинг Эллиотт мактаби ҳузуридаги Европа, Россия ва Евроосиё тадқиқотлари институти директори Марлен Лаурель билан учрашув чоғида эришилди.

➡ 2

5 ТАШАББУС:

МУТОЛАА ЗАВҚИ

Мамлакатимизда 12 000 дан ортиқ ахборот-кутубхона муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

Уларда 22 000 дан зиёд мутахассислар меҳнат қилмоқда.

Президентимизнинг беш муҳим ташаббусидан тўртинчиси бўлмиш китобхонликни тарғиб қилиш йўналиши доирасида 12 966 тадбир ташкил этилиб, уларда 1 826 230 нафар киши қатнашди.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

ДУНЁНИГОҶИ

«The Irish Times»:
«ЎЗБЕКИСТОН – САЙЁҲЛАРНИ
ОҶАНРАБОДАЙ ЎЗИГА ЖАЛБ
ҚИЛАЁТГАН ГЎЗАЛ МАМЛАКАТ»

Юртимизнинг туризм салоҳияти ва бу борада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида келаётган сайёҳлар оқими тобора ортиб бормоқда. Мазкур йўналишда эришилган муваффақиятлар Ирландия матбуотида ҳам эътироф этилаётир.

THE IRISH TIMES

Жумладан, ушбу мамлакатнинг марказий наشري — **“The Irish Times”** газетасида яқинда эълон қилинган репортаж “Ўзбекистон — сайёҳларни оҳанрабодай ўзига жалб қилаётган гўзал мамлакат”, деб номланган. Муаллиф Шилпа Ганатра (Shilpa Ganatra) юртимизга ниҳоятда чиройли ва бетакрор ўлка сифатида тавсиф берад экан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро сингари тарихий шаҳарлар асрлар мобайнида Буюк Ипак йўлининг жавоҳирлари бўлиб келганини таъкидлайди.

Пойтахтимиз Тошкент ҳақида тўхталганда, журналист ушбу шаҳарда “замонавий мегаполис драйви ва бой ўтмиш руҳи” муқассамлашганини мамнуният ила қайд этади. Айниқса, шаҳар метроси ўзининг гўзаллиги билан ҳар қандай сайёҳни ҳайратда қолдиради. Махобатли макбараю мадрасалар замини бўлими Самарқанда Регистон майдони, Шохи-Зинда, Амир Темуր мақбараси сингари обидалар неча асрлардан бери меъморчилик санъатининг ноёб намуналари сифатида бўй кўрсатиб турибди.

Шилпа Ганатра Бухорони Ислом маданияти ва тамаддунининг муҳим ўчоқларидан бири, дея таърифлайди.

“Шаҳар ўзининг тарихий кўринишини сақлаб қолгани тўғайли унда хали-ҳамон Урта асрлар “шамоли” кезади” дейди у.

Муаллиф айтиб ўтганидек, европалик туристлар учун Ўзбекистон табиий шароити ва иқлими нўқтай назааридан ниҳоятда қулай манзил ҳисобланади. “Шарқдан Фарбга томон республика табиати ўзгариб бораверади: ям-яшил водий ва тоғлардан даралар ва саҳролар томон кириб борасиз”. Мухбир Тошкент, Самарқанд ва Бухоро “мумтоз йўналиш” бўлгани ва уларда сайёҳлар сони кўлиги сабабли янги туризм нўқталарига боришни тавсия қилади. Масалан, Навоий вилоятда жойлашган Нурота янги сайёҳлик марказига (“tourist destination”) айланиш учун барча имкониятга эга.

Ўзбекистонда туризм жабҳасида бошланган ўзгаришлар мамлакатда сайёҳлар оқими жадаллашувига олиб келди, деб ёзади “The Irish Times” газетаси шарҳловчиси. Хусусан, дунёнинг кўплаб давлатлари учун виза тартибининг бекор қилиниши “инкилобий ташаббус” сифатида эътироф этилади.

Анвор МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи») таъёрлади.

МАҲАЛЛАЛАРДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
МУҲИТ ЯХШИЛАНМОҚДА

Республика маҳаллалар кенгаши томонидан Хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар иттифоқи, “Нуроний” жамғармаси ҳамда “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази билан биргаликда Маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирларни тизимли ташкил этиш

Кучли фуқаролик жамияти сари

Қайд этилганидек, 2019 йил ноябрь-декабрь ойларига мўлжалланган 7 та йўналиш ва 24 та банддан иборат дастур асосида республика, вилоят, туман ва маҳалла даражасида оила ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, тўй ва маросимларни тартибга солиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида муайян ишлар бажарилди.

Жамоат ташкилотлари
ходимларининг билим ва
кўникмаларини
мустаҳкамлаш йўналишида:

- “Оила ва маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирларни тизимли ташкил этишда жамоат ва давлат ташкилотлари ҳамкорлиги” мавзусида жамоат ташкилотлари ҳудудий тузилмалари ходимлари учун видеоселектор йиғилиши ўтказилди.
- Маҳаллалар кенгаши, Хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар иттифоқи, “Нуроний” жамғармаси ва “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази раҳбарларининг Мурожаати қабул қилиниб, 9116 та фуқаролар йиғи-

ни ва 2 миллион 152 мингга яқин аҳоли вакилларига етказилди.

- Маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича видеодарслик тайёрланди.

Оилаларда меҳр-оқибатни
мустаҳкамлаш ва
ажримларнинг олдини олиш
йўналишида:

- Оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган “Кўринг, ҳавас қилинг, ибрат олинг!” мавзусида 10 та видеоролик тайёрланди ва ижтимоий тармоқларга жойлаштирилди ҳамда барча туман (шаҳар)ларга етказилди.
- “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар натижалари асосида “Ўзбекистонда замонавий оила” модели ишлаб чиқилди ва 2 миллион 966 мингдан зиёд намунали оилалар бўйича маълумотлар базаси шакллантирилди.
- “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказининг туман (шаҳар) бўлимларида ташкил этилган “Бўлгуси келин-куёвлар инновацион мактаблари”да 1 188 намуна-ли оила вакиллари иштирокида турмуш қуриш арафасида турган 17 814 на-

фар йиғит-қиз билан мулоқотлар уюштирилди.

- 142 та ФХДЁ органи ва фуқаролик ишлари бўйича 92 та суд биноларида “Оила бурчаклари” ташкил этилди.

Шунингдек, Ҳамкорлик дастурининг хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, тўй ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш, ёшларни Ватанга муҳаббат, эзгулик ва садоқат руҳида тарбиялаш, муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ ҳамда қабристонларни ободонлаштириш йўналишларида салмоқли ишлар бажарилганлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирда дастур ижроси давомида давлат ва жамоат ташкилотларининг шу йўналишлардаги ҳамкорлиги тубдан яхшилانгани айtilди. Асосийси, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда ихобий натижага эришилди.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилда ҳам бу борадаги сазй-ҳаракатларни изчил давом эттириш мақсадида Маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирларни тизимли ташкил этиш бўйича жамоат ташкилотларининг 2020 йил январь — июнь ойларига мўлжалланган Ҳамкорлик дастури лойиҳаси тайёрланди.

МАРКАЗИЙ-ЕВРООСИЁ ТАДҚИҚОТЛАРИ
ЖАМИЯТИНИНГ МИНТАҚАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
июнь ойида Тошкентда ўтказилади

CESS халқаро анкумани икки йилда бир маротаба минтақанинг энг яхши университетлари майдончасида ўтказилади ҳамда иқтисодиёт, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, социология, тарих ва антропология соҳаларидаги етакчи олимларни бир даврага тўтлайди.

Бу йилги конференция Тошкент шаҳридаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ташкил этилади. 2020 йил июнь ойида ўтказилиши режалаштирилётган тадбирда Марказий Осиё бўйича 300 дан ортиқ экспертлар, АҚШ,

Европа Иттифоқи, Россия, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа мамлакатларнинг етакчи таҳлил марказла-



Central Eurasian Studies Society

ри ходимлари, сиёсат ва тадбиркорлик соҳаларидаги тадқиқотчилар иштирок этиши кутилмоқда.

Мамлакатимиз олимлари ва экспертлари конференция, давра суҳбатлари ва семинарлар доира-

сида Марказий Осиёда савдо қилиш ва сармоя киритиш, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, интеграцияни ривожлантириш, шунингдек, минтақавий ҳамкорлиқнинг муваффақиятли моделларини жорий қилиш

истикқоллари билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш имкониятига эга бўлади.

Конференцияда Ўзбекистон ва етакчи технология ривожланган давлатлар ўртасидаги савдо ва ин-

вестиция алоқаларини янада кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиши, дунёнинг йирик олий ўқув юртилари билан академик ва илмий тадқиқот йўналишларида ҳамкорлик йўлга қўйилиши кутилмоқда.

Шунингдек, анжуман доирасида қатор сессиялар ўтказиш, турли маданий дастурлар, жумладан, Марказий Осиё хўнарамдларининг ноёб маҳсулотлари кўргазма-ярмаркаси ташкил этилади.

«Дунё» АА.
Вашингтон

Режаларимиз кўлами ҳар бир кундан
унумли фойдаланишни тақозо этади



Ҳозирги кунда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар йўналтирилган кўплаб лойиҳалар ижросига киришилган. Улардан бири Тўрақўрғон туманида Жанубий Корея билан ҳамкорликда барпо этилаётган “Hyundai” автотомобил заводидир. 200 миллион АҚШ доллари қийматида сармоя йўналтирилган мазкур корхона битгач, йилига 3000 тагача тижорат автотомобиллари ишлаб чиқарилади. Яна бир йирик лойиҳа Чуст туманида хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда “TAI Chang special stell” МЧЖ томонидан умумий қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг металлни қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Бундай мисолларни нафақат ишлаб чиқариш, балки ижтимоий соҳа, хизмат ва сервис жабҳасидан кўплаб келтириш мумкин. Умуман олганда, Наманганнинг инвестициявий жозибдорлигини оқсатириш учун вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида фаол иш олиб боришмоқда. Бу табиий жараён. Негаки, хорижий сармоядор учун аэропортдан бошлаб овқатланиш жойларигача, юриш йўлларидан тортиб бозоргача — ҳаммаси муҳим. Зеро, инвестор ўзини йўлдагидек ҳис қилган жойгагина сармоясини ишонч билан йўналтиради.

— Бугун тадбиркорлик ҳаракати иқтисодиётнинг локомотивига айлانмоқда. Вилоятда ушбу соҳани ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳусусида тўхталиб ўтсангиз...

Тадбиркорлик ривожини бўйича вилоятимизда катта ишлар қилинмоқда. Айни пайтда янги ҳудудий маҳсулотда соҳа вакилларининг улуши салкам 80 фоизга етгани ана шу сазй-ҳаракатлар самарасидир.

Вилоятимизда енгил ва озиқ-овқат санаети, бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш каби йўналишларда ривожланиш юқори. Энди тадбиркорларимиз бошқа соҳаларни ҳам камраб олишлари зарур. Бунинг учун шарт-шароит етарли. Мисол учун, “Наманган” ва “Косонсой-фарм” эркин иқтисодий зоналари, 15 дан ортиқ кичик санает ҳудудлари имкониятидан кенг фойдаланиш талаб этилади. Яна бир масала: энди маҳсулотини фақат ички бозоргагина сотаман, деган тадбиркор узоққа бора олмайдди. Кичик корхона ва фирмаларимиз ташқи бозордан ҳам ўз уринларини топишлари зарур.

Бизнес қиламан, деган одамга, энг аввало, ер, бино керак. Билсангиз, жой сўраб қабулга келаётган тад-

биркорлар сони жуда кўп. Нима, факатгина янги бино қуриш керакми? Ваҳолонки, жойларда фойдаланилмай ётган давлат мулки объектлари мавжуд. Биз уларни ишбилармонларга имтиёзли шартлар асосида ёки “ноль” қийматда тақдим этишга тайёрымиз. Тадбиркорлар билан учрашувлар ҳақида уларнинг манфаатларини доимо қўллаб-қувватлаш ҳақида гапираримиз. Ўйлайманки, шу сингари масалаларни изчил ечар эканмиз, тараққиёт суръатлари янада тезлашади.

— Ҳаётга татбиқ этилаётган дастурлар замирида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришдек эзгу мақсад устувор ўрин тутади. Айтингчи, ижтимоий йўналишда ҳам инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилганими?

— Эътибор берган бўлсангиз, янги йилнинг биринчи ҳафтасида ижтимоий тармоқларда вилоят аҳлини маҳаллий бюджетнинг соҳалар бўйича ижроси тўғрисидаги маълумотлар билан таништирдик. Унда, масалан, соғлиқни сақлаш соҳаси учун 57,9 миллиард, таълим соҳасига 10,1 миллиард, маданият соҳасига 1,1 миллиард, ободонлаштириш тизимида 4,7 миллиард сўм маблағ йўналтирилганлиги кўрсатилган. Табиийки, буларнинг барчаси халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши учун етарли шарт-шароитларни яратишга хизмат қилиши билан катта аҳамиятга эга.

Энг замонавий таълим маскани ҳисобланган Президент мактаби пойтахтдан кейин Наманганда очилганлиги бизга ифтихор бағишлайди. Инновацион таълим технологияси, хорижлик ва маҳаллий педагоглардан сараланган жамоа вакиллари жалб этилган мазкур таълим масканида жиддий синовлар асосида қабул қилинган 144 нафар ўғил-қиз тахсил олмоқда. Улар янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган, малакали кадрлар бўлиб етишишига ишончимиз комил.

Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус ижроси доирасида “Ноҳирабегим” ахборот-кўпубоҳона марказининг қиёфаси тубдан янгиланди. Бу ерда китоб-жонлар учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратилди.

— Олдинроқ Наманган вилоти соғлиқни сақлаш соҳаси асосий кўрсаткичлар бўйича республикада етакчи ўринга чиқиб олгани ҳақида маълумотлар пайдо бўлди...

— Бунчи соҳага кўрсатилаётган доимий эътибор, хусусан, тиббий муассасалар моддий-техник имконият-

лари мустаҳкамланиб, шифокорларимизнинг тахсис қўйиш ва даволаш ишларига илгор технология, замонавий воситаларни дадиллик билан жорий этаётганликлари самараси деса тўғри бўлади. Айтиш керакики, кейинги пайтларда соҳа мутахассислари яқин вақтгача, асосан, хорижда амалга оширилган мураккаб жарроҳлик амалиётларини маҳаллий шароитда бажараётганликлари кўпчиликини ажаблантирмай қўйди. Мисол учун, айрим юрак хасталиги билан оғриган ҳамюртларимиз тиббий ёрдам олиш учун катта маблағ сарфлаб, Ҳиндистон, Германия, Россия давлатларида мурожаат қилиб келишгани сир эмас. Мана, икки йилдирки, вилоятдаги кардиология марказида юрак билан боғлиқ сунъий қон айлантириш шароитидаги ноёб амалиётлар муваффақиятли ўтказилмоқда. Жорий йилнинг ёзида мазкур марказда бўйракни қўчириб ўтказиш амалиёти вилоятлар ўртасида биринчи бўлиб ўзлаштирилди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали, кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази шифокорлари томонидан ўзлаштирилган мураккаб жарроҳлик амалиётлари ҳам дардига дармон истаб юрган ҳамюртларимиз муаммосига ечим топгани билан эътиборга молик.

2019 йилда вилоят бўйича 59 та тиббиёт муассасасида 105 миллиард сўмликдан кўпроқ ҳажмда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Вилоят эндокринология диспансери, Наманган шаҳридаги 15, Янгиқўрғон туманининг Нанай қишлоғидаги оилавий поликлиника янги бинога қўчиб ўтди. Норин туманининг Учтепа қишлоғидаги қишлоқ шифокорлик пункти ҳам замонавий бинода хизмат кўрсатмоқда.

— “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари ижроси аҳоли тураржойларини кўркем қиёфга киритаётгани билан эътиборни тортади. Наманганда бошқа вилоятлардан фарқли равишда “Обод марказ” дастури ҳам ишлаб чиқилган. Унинг мазмун-моҳияти ниманда?

— Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи чоғида “Наманган ўзгариши керак. Вилоят турмуш даражаси анча юқори бўлиши лозим. Вилоят аҳли, ёшлари бунга муносиб!” деган фикрни ўртага ташлаган эди. Бу бутун Наманган аҳлини вилоятимизнинг янги қиёфасини белгилашга ундади. Шундан келиб чиқиб, амалда қўлланялаётган “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари қаторига намуна сифатида ишлаб чиқилган “Обод марказ” дастури ҳам қўшилди.

Халқ сўзи

2020 йил 17 январь

Ёшлар тарбиясига эътибор
ҳар қачонгидан муҳим

Шу куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида мазкур Ҳамкорлик дастури ижросини таъминлаш масаласи муҳокама қилинди.

Унда маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирларни тизимли ташкил этиш бўйича жамоат ташкилотларининг 2019 йил ноябрь-декабрь ойларига мўлжалланган Ҳамкорлик дастури ижроси юзасидан бажарилган ишлар ҳам кўриб чиқилди.

Хусусан, унинг доирасида маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини янада соғломлаштириш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, эзгулик ва садоқат руҳида тарбиялаш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, касбга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш, қийинчи маданияти ва одобини кенг тарғиб қилишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилди.

Касбий ва ҳаётий тажрибаси юқори, обрўли, ижтимоий фаол бўлган жами 24 минг нафардан ортиқ кекса авлод вакиллари 9 942 та умумтаълим мактабига бириктирилди, улар томонидан мактабларда ўқувчи-ёшлар учун “Кексалар маърифати” мавзусида давра суҳбатлари ўтказиш тизими йўлга қўйилди.

Ўз навбатида, бу борада айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилгани танқид қилинди.

Яқунда мазкур Ҳамкорлик дастури ижросини тўлиқ таъминлаш зарурлиги қайд этилди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек: “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир...”

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи»).

Тадбир

Президентимиз ташаббуси билан бугун турли соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар инсон манфаатларини таъминлаш, халқимиз турмуш даражасини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Айниқса, мазкур жараёнда хотин-қизлар ижтимоий-маиший аҳволини яхшилаш, бандлигини таъминлаш, даромадларини кўпайтириш масалалари доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

ХОТИН-ҚИЗЛАР
МУАММОЛАРИ
ЕЧИМИНИ ТОПАДИ

Шу йўналишлардаги ишларни тизимли равишда такомиллаштириш ва самарадорлигини оқсатириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғига биноан, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси мутасаддилигида Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Республика ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Кеча Касаба уюшмалари Федерациясида ушбу ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши ўтказилиб, истиқболдаги вазифалар белгилан олинди ҳамда улар юзасидан “Йўл харитаси” қабул қилинди. Йиғилишни Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси, ишчи гуруҳи раҳбари Қудратилла Рафиқов олиб борди.

Федерация раиси раҳбарлигидаги мазкур ишчи гуруҳи фаолиятининг асосини оддий одамлар билан доимий мулоқот ўрнатиб, уларни қийнаётган масала ва муаммоларни зудлик билан бартараф этиш, шу орқали аҳолининг бугунги кундан рози бўлиб яшашини таъминлаш йўналишидаги тизимли ишлар ташкил қилади.

Йиғилишда қайд этилганидек, ишчи гуруҳ аъзоларининг дастлабки манзили сифатида Сирдарё тумани белгиланди. Улар ҳудудда жойлашган 38 маҳалладаги оилаларга кириб, хотин-қизлар билан суҳбатлашши асосида уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини, аёлларнинг бандлик даражаси ва даромадларини ошириш, опа-сингилларимизни тадбиркорликка кенг жалб этиш масалаларини чуқур ўрганди. Шунингдек, кўрсатилаётган тиббий ҳамда ижтимоий хизматлар сифати ва самарадорлиги, пенсия ҳамда ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида ва манзилли етказиб берилиши ҳамда оилаларда фарзандлар таълим-тарбияси масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Ана шундай ўрганишлар давомида аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида секторлар раҳбарлари билан биргаликда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади. Хусусан, ҳар бир маҳалла бўйича маълум мuddатга мўлжалланган туман, вилоят ва республика манзилли дастурлари ишлаб чиқилади. Улар асосида оғир шароитдаги хотин-қизлар, масалан, кам таъминланган, уй-жойга муҳтож оилалар, ногиронлиги бўлган инсонлар муаммоларини ҳал этиш, аёлларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда оилага доир қадриятларни мустаҳкамлаш йўналишларида кўплаб эзгу ишлар рўёбга чиқарилади.

Ишиси хотин-қизларни касбга ўргатиш, маҳаллаларда сайёр меҳнат ярмаркаларини ўтказиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги опа-сингилларимизга имтиёзли кредитлар ажратиш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга қўмаклашиш, бемор аёлларни шифохонага жойлаштириш, ногиронлиги борларини зарур реабилитация воситалари билан таъминлаш юмшлари ҳам бажарилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Рустам Қосимов, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг омаири, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ёлмира Боситхонава, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқаруви раиси Шавкат Жавлонов иштирок этди.

3. ХОЛТЎРАЕВ.

Қудратилла НАЖИДИДНОВ
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ

Ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан доимо олдинга қараб боради.

Ўзбекистон ўзгармоқда ва янги-ланмоқда. Одамларнинг кўз ўнгид

яни қиёфага кирмоқда. Йиллар давомида ён-атрофда юз бераётган ўзгаришларга шунчаки томошабин ёки истёсмолчи позициясида турганларнинг аксарияти эндиликда воқеаларнинг иштирокчиси сифатида ўзлари ҳам ўзгарипти.

Янги Ўзбекистонимизнинг олий ижтимоий мўлжали — мамлакатимиз Конституциясида акс эттирилган моҳиятан эзгу ва инсонпарвар тамоиллини ҳаётга жорий қилишда, айниқса, ёрқин намоён бўлмоқда. Бу улғу ҳаракат, энг аввало, одамларнинг яратувчанлик салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, инсон капитали имкониятидан самарали фойдаланишга ўтти бобида ўзининг ёрқин ифодасини топаёттир.

Буни мамлакатимиз аҳолиси, хусусан, жамиятининг эҳтиёжманд қатламлари вакиллариغا муносиб турмуш шароити яратилгани, озодликдан маҳрум қилинган шахсларга пенсия ва ижтимоий сугурта тўлаш тартиби йўлга қўйилгани, 4 мингдан зиёд шахслар афв этилгани, 10 мингга яқин юртдошларимизга Ўзбекистон фуқароси мақоми берилгани, ўзга юртларда хор-зор бўлиб юрган, уруш олови ичидаги Яқин Шарқ ва Афғонистондан 261 нафар аёл ва болалар “Меҳр-1”, “Меҳр-2” инсонпарварлик тадбирлари орқали Ватанга қайтаририлганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу янги ижтимоий сиёсат жамиятимиздаги барча фуқароларга мулкка эгалик қилиш, муносиб иш, ўқиш, дам олиш ва даволаниш ҳамда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим асос бўляпти. Хусусан, сўнгги икки-уч йилда ёшлар учун олий таълим олиш имконияти 8 фоиздан 30 фоизга кўтарилди, худудларда илгор кардиология ва ички касалликларни даволаш марказлари ишга туширилди, маҳаллий бошқарув соҳаси ходимлари, ўқитувчилар, шифокор ва бошқа касб эгалари ойлик маошлари узлуксиз ошириб борилаёттир.

Жараён

Тарих ҳақидаги билимларимизни бойитишда, ёшларнинг ўтмишимиздан фахрлиниш туйғусини кўчатиришда музейларнинг ўрни бекиёс. Қолаверса, улар хорижий сайёҳларни ҳам ўзига жалб қиладиган, мамлакатимиз ўтмиши ҳақида ахилт тасаввур уйғотадиган муҳим масканлар саналади. Шу боис музейлар фаолиятини замон талаблари, жаҳон стандартлари даражасида шакллантириш — долзарб масала.

МУЗЕЙ ЭКСПОНАТЛАРИ НЕГА ХАТЛОВДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА?

Президентимиз 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимиз музейларида сақланаётган тарихий экспонатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, ҳар бир музейнинг каталогини яратиш бўйича ўз тақлифини билдирган эди.

Шундан келиб чиқиб, 2019 йил 12 февралда Вазирлар Маҳкамасининг “Юртимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, илмий-тадқиқот ишларини кўчатириш ҳамда уларни келажак авлодга етказиш, мамлакатимиз музейларида сақланаётган тарихий экспонатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси” тасдиқланди. Мазкур чора-тадбирлар режасига асосан, ҳар бир музейда махсус ишчи гуруҳлар шакллантирилди ҳамда буғунги кунда хатловдан ўтказиш ишлари жадан олиб боришмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи, Нукус шаҳридаги И. В. Савицкий номдаги давлат санъат музейида мазкур жараён яқунлашиб арафасида.

Хатлов натижалари бўйича йиғилган маълумотлардан музейлар каталогини яратишда фойдаланиш белгиланган. Шу билан бир қаторда, миллий музей фонднинг электрон каталогини яратиш вазифаси Президентимизнинг 2018 йил 26 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди ҳам ўз аксини топган.

Хозирги кунда ушбу топширқик ижроси бўйича ҳам ишлар олиб боришмоқда. Маданият вазирлиги томонидан халқаро тажрибга ўрганилиб, миллий музей фонднинг электрон каталогини яратиш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур дастурий таъминот ишга туширилгандан сўнг хатлов натижалари бўйича йиғилган маълумот-

лар асосида музейларнинг ягона электрон каталоги яратилди. Музей экспонатларининг хатловдан ўтказилиши муассасада экспозицияга қўйишга лойиқ бўюм ва ашёларни саралаш, уларнинг қайсыларини реставрация ёки консервация қилишга ойдинлик киритиш имконини беради. Санъат ихлосмандлари электрон каталоглар ёрдамида эса музейларда сақланаётган ашёлар ҳақида тез ва аниқ маълумотларни топа оладилар. Музей сайтида экспонатлар каталоги билан танишган инсонларда уни бевосита маданият масканининг ўзига бориб кўришга иштиёқ уйғонади. Шу боис музейларга ташриф буюрувчилар сони ошади.

Юртимиздаги музейларда 2,4 миллионга яқин музей ашёлари ва коллекциялари мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг 90 фоизи электрон базага жойланди. Жумладан, айни пайтда Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи, Термиз Археология музейи, Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, Ўзбекистон давлат табиат музейи, Усмон Юсупов уй-музейи, Мухтор Ашрафий уй-музейи, Ўргачи суратлар галереяси, Шаҳрисабз шаҳар Амир Темуру номдаги моддий маданият тарихи музейлари каталогларининг электрон базаси тўлиқ яқунланган.

Шуни таъкидлаш керакки, Маданият вазирлиги томонидан музейларни янада кенгроқ тарғиб қилиш, уларнинг фойлиятини жамоатчиликга қўрсатиш ва туристлар учун жозибадорлигини ошириш максасида Ўзбекистон музейлари ягона порталини яратиш ишлари ҳам олиб боришмоқда.

Бахтиёр ЗУЛФИҚОРОВ,
Маданият вазирлигининг
Музейлар ва
кутубхоналари
ривожлантириш
бошқармаси бошлиғи
ўринбосари.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Олимларимиз ишланмасига хорижда қизиқиш билдирилмоқда

Хитой Халқ Республикаси патент идораси ЎзРФА Генотика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан яратилган пахта генларини нокаут қилиш (учириш) инновацион технологияси бўйича патент аризасини тасдиқлади.

Хитой пахтанинг юқори сифатли ва хашаротларга чидамли ҳамда янги патоген навларини яратишда замонавий биотехнологик усуллардан кенг фойдаланмоқда. Шу боис олимларимиз технологияси учун Хитойда патент олинити тижоратлаштиришга катта имкониятларни очади.

Пахта генларининг нокаут (учириш) технологияси олтинчи авлод инновацион технология хисобланади. У 2008 йилда ўзбек олимлари томонидан

ихтиро қилинган бўлиб, Ўзбекистон ҳукумати кўмағида олиб борилган кейинги тадқиқотлар “Порлок” гўза туркумидаги юқори ҳосилли, барвақт пишувчи, узун талали, қўроғқиликча ва тузга чидамли биотехнологик навларнинг яратилишига олиб келди. Мазкур технология дунёда илк бор пахтанинг бир вақтнинг ўзиди бир нечта қимматли хусусиятларини тақомиллаштириш имконини берди.

Фаоллаштирилган кўмир саноатга кенг жорий этилади

Инновацион ривожланиш вазирлиги ЎзРФА Умумий ва ноорганик кимё институти олимларининг маҳаллий хом ашёдан фаоллаштирилган кўмир олиш технологиясини тижоратлаштириш бўйича иш олиб бормоқда. Институтнинг “Кимёвий технология ва сирт фаол моддалар” лабораторияси мудири, профессор Фарҳод Юсупов раҳбарлигида ишлаб чиқилган мазкур янгилик вазирлик мутахассислари томонидан техник-иқтисодий таҳлил қилиниб, бизнес режаси тузилди.

Турли модификациядаги фаоллаштирилган кўмир “Муборак” газни қайта ишлаш заводиди амин эритмаларини тозалашда, Олмалик кон-металлургия комбинатида сульфидли рудаларни бойитишда, Навоий кон-металлургия комбинатида олтин бирикмаларини ишқорий эритиш ва сорбция усули қилиб ажратиш олишда, спиртни тозалашда синовдан ўтказилмоқда.

Бугунги кунда республикамиз саноати эҳтиёжлари, хусусан, нефть-газ, кимё, металлургия ва озиқ-овқат саноати учун йилига 2000 тоннадан зиёд, 8 миллион АҚШ доллари қийматидаги фаоллаштирилган кўмир четдан олиб келинади. Фаоллаштирилган кўмирнинг юртимизда ишлаб чиқариш орқали миллирлаб сўм маблагни иқтисод қилиш, жаҳон бозориди рақобатбардорш маҳсулотлар тайёрлаш, нефть-газ соҳаси корхоналарининг ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга эришилади.

Чендудан илк чартер рейси амалга оширилди

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан юртимиз сайёҳлик салоҳиятини янада юксалтириш бўйича бир қатор эътиборли ишлар олиб боришмоқда.

Яқинда Ченду — Тошкент йўналиши бўйича биринчи чартер рейси амалга оширилгани шундай сайё-ҳаракатлар самарасидир. Илк қатдан орқали Хитойнинг 90 миллиондан зиёд аҳолиси истискомат қилувчи Сичуан провинцияси оммавий аэропорт восталари ҳамда туроператорлар вакиллари олган самолёт Ислол Каримов номидида Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.

— Бу йилдан бошлаб хитойликлар учун Ўзбекистонга визасиз тизим жорий этилгани юртингизга ташриф буюрувчилар сони янада орттишига хизмат қилади, — дейди Хитойнинг “Zhejiang Loong Airlines” авиакомпанияси президенти Лю И. — Шу билан бирга, биз Хитой оммавий аэропорт восталари билан ҳамкорлик асосида уларни Ўзбекистон билан яқиндан таништиришни мақсад қилганмиз. Бу, ўйлайманки, яқин орада ўз самарасини беради.

Қайд этиш жоизки, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда “Zhejiang Loong Airlines” авиакомпаниясининг шу қабл қатновлари тугайли бу йил Ўзбекистонга келувчи хитойлик сайёҳлар сонини икки баробар ошиши кутилмоқда.

«Халқ сўзи».

Китобсеварлар учун муносиб тухфа

Фаргона вилоятининг Данғара тумани марказида 150 ўринга эга замонавий ахборот-кутубхона маркази иш бошлади. Президентимизнинг 2019 йил 12-13 июнь кунлари



Муҳимжон ҚОДИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Фаргона вилоятига ташрифи чоғида берган топшириқларига асосан бунёд этилган, 3 қаватдан иборат, 32 мингдан ортиқ кутуб фондига эга ушбу зиё маскани китобсеварлар учун муносиб тухфа бўлди.

Бунёдкорлик

Ахборот-кутубхона марказида 14 нафар мутахассис икки ярим мингдан зиёд китобхоналарга хизмат кўрсатмоқда.

— Иш вақтини икки сме-нада ташкил этдик, — дейди марказ раҳбари Сайёра Холмирзаева. — Бу ерда ўқув зали, интернет-ресурслар

зали, фан соҳаларига доир китоблар, илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий, бадий, кичик ёшдаги китобхоналар учун адабиётлар мавжуд. Бундан ташқари, имконияти чекланган фойдаланувчиларга ҳам алоҳида шарт-шароитлар яратилган.

«Халқ сўзи».

Қ. КУРОНБОВ,
М. БЕКМУРОВОВ,
сиёсий фанлар докторлари.

САВДО РАСТАЛАРИДА ҚАЧОН МИЛЛИЙ КЎҒИРЧОҚЛАР КЎПАЯДИ?

Кўғирчоқлар дўқонида айланиб юрган эдик. Ногоҳон ўғлимнинг саволи эътиборимни тортди: “Ойи, анави кўғирчоқ тарбиясиз экан-а?” Ўғлимнинг нигоҳи қадалган томонга юзландиму, ярим яланғоч аёл қиёфасидаги кўғирчоққа кўзим тушди...

Бундан анча йиллар аввал мамлакатимизга хориждан кириб келган “Barbie” деб ном олган ушбу кўғирчоқ ҳамон уйинчоқ дўқонлари расталарида сотилмоқда. Улар аллақачон баъзи болаларнинг сеvimли овунчоғига айлангани янада ачинарли. Савдо расталаридаги “Barbie”лар ўрнини қачон миллий кўғирчоқлар эгаллайди?

Мулоҳаза

Худди шундай кўғирчоқ кўтариб юрган қизчининг онаси айтишича, ҳамма бозорларда, уйинчоқ дўқонларида ҳам миллий кўғирчоқларни топиш мушкул.

Масалани ойдинлик киритиш учун “Хунарманд” уюммаси Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи Шахло Солиевага мурожаат қилди. Унинг таъкидлашича, Андижон вилоятида жами 5 500 нафар хунарманд рўйхатдан ўтган, шогирдлари билан ҳисоблаганда эса 10 мингга яқин хунармандлар бор. Хунармандлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш максасида давлатимиз томонидан 36 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилган. Бугунги кунда Андижон вилоятида рўйхатдан ўтган 100 нафар, шогирдлари билан ҳисоблаганда жами 1 500 нафар хунар-

манд айнан миллий кўғирчоқлар ясаш билан шуғулланади.

Низомиддин Эргозиевлар оиласи 2008 йилдан буён миллий кўғирчоқлар ясаш билан машғул. Улар, асосан, театрға мўлжалланган ҳамда юмшоқ кўғирчоқларни яса-шади. Бу иш билан оила бекаси Майрамжон Эргозиева шуғулланади. Нисомиддин ака эса уларни хом ашё билан таъминлаш ва тайёр маҳсулотни сотиш билан банд. Ўртача ҳисоблаганда 5 нафар шогирди кучи билан, кунига 8 соат иш ташкил этилса, ушбу оила томонидан бир ойда 150 та миллий кўғирчоқ ясаш имконияти мавжуд. Жорий йилнинг шу давригача Жалакудук, Избоскан, Мархамат туманлари ҳамда Андижон ва Хонобод шаҳарларидаги харидор талаби билан 50 га яқин мактабга-

Уч минг йиллик орзулар рўёби

Мамлакатимизда халқ давлати барпо этилиши ўзбек халқининг уч минг йиллик орзуси бўлиб келган. Бугунги кунда юртимизда мазмунан янги давлат, янги жамият таркиб топмоқда. Янги жамиятга мос ҳолда тартиботлар, қадрият ва муносабатлар тизими жадаллик билан шаклланыпти. Бинобарин, Асосий Қонунимизда белгиланган том маънодаги халқ давлатининг ҳуқуқий асоси юртимизда қарор топмоқда. Сўнгги уч йилда янги ҳаётнинг мустақам ҳуқуқий пойдевори бўлган 70 дан ортиқ қонун ҳамда 350 дан зиёд Президент Фармони ва қарорлари қабул қилинди.

Турмушимизга янги иборалар, хусусан, “халқ билан мулоқот”, “халқ манфаати”, “электрон ҳукумат”, “виртуал қабулхона”, “портал”, “жақийқй қадриятлар”, “шахсий масъулият”, “ташаббускорлик”, “арзон уйлар”, “давлат-хусусий шериклиги”, “маърифат”, “йўл харитаси”, “фаолланган хавфсизлик”, “профилактика” ва бошқа сўзлар қирғиб келиб, ҳаётимиздан чўқур жой эгаллади.

Халқ давлатини қуриш нафақат ўзбек халқининг, балки бутун дунёнинг орзуси бўлиб келган. Ана шундай давлатни қуриш учун “демократия” атамаси ҳам

кашф этилган эди. Узоқ антик даврларда пайдо бўлган бу атама ҳалигача ўзининг ҳақиқий қиёфаси ва ҳаётда тўла рўёбига эришса олгани йўқ. Мамлакатимизда эса уч минг йиллик орзудаги тузум, яъни халқ давлатини тузишга киришилди. Бутун дунёда демократиянинг ҳаётда амал қилишининг асосий мезони хозирги кунга қадар фақат сайловда тилга олиниб келинди, холос. Сайловдан кейин то навбатдагисигача демократия эмас, автократия амал қилар, яъни сайловда ғолиб келган шахснинг фикри жамият ва давлат учун устувор бўлиб, ҳақиқий халқ давлати барпо этилмай қолар эди.

Ўзбекистонда эса Президентлик сайлови ўтиб бўлгандан сўнг халқ давлатининг мустақам пойдеворини қуриш, демократияни ўрнатиш, миллий халоплик ва тўғриликни жорий этиш, жамиятимиздан коррупцияни илдиш билан қўриб ташлаш, қонунчилик, давлат ва суд ҳокимиятини халқ орзуларини амалга ошириш, муаммоларини ечишга сафарбар этишга жуда катта куч билан киришилди. Бутун Ватанимизда ўтаётган ҳар бир кун инсон манфаатларини таъминлаш, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини қароплати ҳимоя этиш, одамларни рози қилиш, уларни бахтли қилувчи янги мазмун билан бойитиш асосида кечмоқда.

Умуман, мамлакатимиз Конституцияси нафақат иқтисодий маконни тизимли тартибга тушириш, янгилаш ва ривожлантириш, балки турли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий омиллар таъсирида жиддий зиён кўрган маънавий дунёимизни ҳам тубдан янгилаш ва юксалтиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Зеро, у мамлакатимизда аҳил жамият, дўстлик ва мураббат муҳитини барпо этди. Одамлар ўртасида меҳр ришталарини мустаҳкамлади. Халоплик ва ҳар бир оила тўғриликни бош қадрият деб билиш, уни йймон даражасида эъзозлаш ҳар бир одамнинг эътиқоди-га, ҳаёт маслагига айланди.

ёғоч пазиллар, кубиклар эса аксинча, болаларни ота-оналари билан кўпроқ мулоқот қилишга ундайди. Айни пайтда болаларнинг аҳоли, онг-тафаккури, билим ва кўникмаларини тўғри шакллантиришда миллий ўйинчоқларнинг аҳамияти бекиёс. Мактабгача таълим муассасаларида сифатли, табиий хом ашёдан тайёрланган, экологик хавфсиз, педагогик ва психологик, санитария-гигиена, бадий дизайн талаблариға тўла жавоб берувчи ўйинчоқлар билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Хунармандларимиз ўртасида тендерлар, қўрик-танловлар ўтказилиши, энг маъқул келган миллий ўйинчоқлар эса оммавий ишлаб чиқаришга тавсия этилиши керак. Шундагина бозор расталаримизда миллий кўғирчоқлар кўпаяди, хунармандларимиз ўртасида рақобат кучаяди, болаларимиз ҳам аста-секин хорижда ишлаб чиқарилган ўйинчоқларни эмас, ўзимизнинг кўғирчоқларни афзал кўра бошлайди.

Қамола АБДУВАЛИЕВА.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА



Мамлакатимиз мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш борасида улкан

салоҳиятга эга. Аҳоли фаровонлигини янада мустаҳкамлашда қисқа вақтда натижа берадиган йўналиш қишлоқ хўжалиги эканлигини инобатга олсак, юқори даромадли интенсив ишлаб чиқаришни ташкил этиш бу борада энг муҳим вазифалардан биридир. Мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, шунга яраша даромад олиш мақсадида сўнгги йилларда мазкур тармоққа катта эътибор бериларди.



граммдан маҳсулот олиш кўзда тутилмоқда.

— Маълумки, лимон меваси овқатнинг яхши ҳазм бўлишига ёрдам бериб, организмнинг химоя кучини сақлаб қолади. Дунёда цитрус экинларининг ўттиздан зиёд тури бўлса, уларнинг тахминан ўндан ортиғи саноат аҳамиятига эга, — дейди "Sunnatillo Hamkor Fayz" ХК раҳбари Суннатилло Ирисматов. — Хусусан, лимон тез ҳосилга кириши ва ҳар йили муттасил мева бериши билан ажралиб туради. Шунингдек, ундан сифатли консервланган шарбатлар, мураббо, киём, мармелад ва салқин ҳамда шифобахш ичимликлар тайёрлаш мумкин. Шу жиҳатларини инобатга олган ҳолда, биз ҳам ушбу маҳсулотни етиштиришга киришдик. Бунинг учун "Туронбанк" АТБга мурожаат қилдик ва молиявий кўмак эвазига юқори қувватга эга ускуналарни Хитойдан олиб келдик. Эндиликда кўчат экиш учун тайёргарлик кўряпмиз.

Асосий мақсадимиз, энг аввало, халқимизга сифатли, шифобахш лимон маҳсулотини етказиб бериш ва экспорт қилишдир. Келгусида бизнесимизни кенгайтириш ниятидмиз ва бу борада ҳам "Туронбанк" АТБ билан ҳамкорликни давом эттирамиз.

Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш ва экспорт ҳажмини ошириш учун мева-сабзавот етиштиришни йилига 8 — 10 фоизга кўпайтириш ва қўшимча 1 миллион тоннадан ортқ маҳсулот тайёрлаш зарур. Бу борада эса "Туронбанк" АТБ кредити эвазига ривожланган корхоналар фаол иштирок этиши турган гап. Зеро, молия муассасаси иқтисодиёт тараққиётига ҳисса қўшиш истагида бўлган ҳеч бир ташаббускорни эътибордан четда қолдирмайди.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик тармогини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Европа Иттифоқи грант маблағлари ҳисобига чорвачилик йўналишида қўшимча қиймат занжирини яратиш ва кооперацияларни ташкил этиш бўйича таклифларни қабул қилади!

Лойиҳа таклифларини қабул қилиш мuddати 2020 йилнинг 3 февралигача узайтирилади.

Қўшимча маълумотларни www.uzaisfa.uz сайтидан олишингиз мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 1-«А» уй. Маълумот учун телефон: 71-241-33-30. E-mail: lsdp@rra.uz

«FPI DELIVERY SERVIS» МЧЖ

боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ва хашак ўришга мўлжалланган илҳам, қулай ҳамда камҳаражатли мотокультиваторларни тавсия қилади.

«TIGUAN» русумли мотокультиваторлар 6, 7, 9 ва 13 от кучига эга. Дизель ҳамда бензин ёнилғисига ишлайди.



Маҳсулотлар сертификатланган ва қафолатланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 7-тор кўчаси, 52-уй. Мўлжал: Crafers фабрикаси ва Харбий госпиталь. Маълумот учун телефонлар: 90-986-80-68, 90-968-56-77, 90-989-09-62, 95-479-79-89.

www.motoblok.uz

Йирик ва кичик корхоналар раҳбарлари диққатига!

«PGS» корхонаси инновацион технология асосида ишлаб чиқарилган, энергия тежамкор, қафолат мuddати узок ҳамда қафолат мuddатидан сўнг хизмат кўрсатиш мавжуд бўлган маиший ва саноат иситкичларини таклиф қилади.



ISITKICHLARI



MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN. Tel.: 71-279-38-54, 71-279-25-23. www.pgs.uz

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Ушбу жойда Сизнинг рекламangиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Реклама

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.45 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6

21-ХАЛҚАРО ҚУРИЛИШ КЎРГАЗМАСИГА хуш келибсиз!

www.uzbuild.uz

2020
25-28
ФЕВРАЛЬ

Ўзбекистон, Тошкент, «Ўзэкспомарказ».

Иқтисодлаштириш бўлими

ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР

BuildTech

www.buildtech.uz

Кириш фақат соҳа мутахассислари учун!

Ташкилотчи:

Itessa

+998 71 205 18 18

ONLINE РҮЙХАТДАН ҲТИНГ

QR code

QR code

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА»

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда

суд-ҳуқуқ ислохотлари, шунингдек, судлар фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада такомиллаштириш мақсадида «Адолат — қонун устуворлигида» танловини эълон қилади.

Танловга республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, интернетда ёритилган, телевидение ва радиода берилган судлар тизимидаги ислохотларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, интернет материаллари, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий суд матбуот хизматига тахририят, телевидение, радио ходимлари ёки муаллифлар томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловга беш ва ўндан ортқ мақолалар, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари билан қатнашиш мумкин. Тақдим этилган мақола, кўрсатув, эшиттириш ва интернет материаллари муаллифининг тўлиқ исми шарифи, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2020 йил 1 январдан 15 ноябргача чоп этилган мақолалар, интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади.

Танловда қуйидаги йўналишлар бўйича голиблар аниқланади:

1. «Телевидение ва радио йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
2. «Босма ОАВ йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
3. «Интернет-журналистика йўналишида энг фаол журналист» (1, 2, 3-ўринлар);
4. «Энг фаол судья ва суд ходими» (1, 2, 3-ўринлар);
5. «Энг фаол илмий ходим» (1, 2, 3-ўринлар).

Барча йўналиш бўйича голиблар танлов рамзи, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Мурожаат учун манзил: 100186, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 1-уй. Телефон: 71-239-02-43, электрон почта: matbuot@sud.uz

«C and H Industry» МЧЖ ХК

Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:

гилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача), занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

VOLVO махсус қурилиш техникалари

Гилдиракли экскаваторлар Занжирли экскаваторлар

Фронтал юклагичлар Экскаватор-юклагичлар Автогрейдерлар Катоклар

Таклиф этилаётган барча техника учун қафолат мuddати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзғариш» ҚФЙ, Белариқ маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони). Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03. www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

Маҳсулотлар сертификатланган.